«Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёнида оилавий корхона тарзидо ҳўжалик фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини жорий этиш ва оилавий корхона иштирокидаги оилавий тадбиркорликнинг қонуний асосларини яратиш, хусусан, «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонунни қабул қилишнинг даврининг ўзи тақозо этаётган. Мазкур қонун қабул қилинса, мамлакатда тадбиркорликнинг янги шакли ривожланиб, аҳолини ички истеъмол буюмлари ҳамда янги иш ўринлари билан таъминлаш имконияти ҳам кенгайди. Бу эса О'зЛиДеР илгари сураётган устувор гоёларга тўла мосдир.

Тўғри, амалдаги қонунчилигимизда оилавий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш бўйича ташкилий-ҳуқуқий асослар яратилган бўлиб, унга кўра, оилавий бизнес асосан яққа тартибдаги тадбиркорлик ёки хусусий корхона, масъулият чекланган жамият шаклида амалга оширилиши белгилаб қўйилган. Бироқ бу фақат хусусий корхона эгаси ёки МЧЖ директори сифатида рўйхатга олинган яққа тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш бўйича ташкилий-ҳуқуқий асослар яратилган бўлиб, унга кўра, оилавий бизнес асосан яққа тартибдаги тадбиркорлик ёки хусусий корхона, масъулият чекланган жамият шаклида амалга оширилиши белгилаб қўйилган.

Бироқ бу фақат хусусий корхона эгаси ёки МЧЖ директори сифатида рўйхатга олинган яққа тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш бўйича ташкилий-ҳуқуқий асослар яратилган бўлиб, унга кўра, оилавий бизнес асосан яққа тартибдаги тадбиркорлик ёки хусусий корхона, масъулият чекланган жамият шаклида амалга оширилиши белгилаб қўйилган. Бироқ бу фақат хусусий корхона эгаси ёки МЧЖ директори сифатида рўйхатга олинган яққа тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш бўйича ташкилий-ҳуқуқий асослар яратилган бўлиб, унга кўра, оилавий бизнес асосан яққа тартибдаги тадбиркорлик ёки хусусий корхона, масъулият чекланган жамият шаклида амалга оширилиши белгилаб қўйилган.

Ҳисобини билмаган ҳамёнидан айрилар



Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Озод РАЖАБОВ,
«XXI ASR»

Кун тартибидоғида масала юзасидан О'зЛиДеР фракцияси аъзоси Насим Алимов сўзга чиқиб, ҳисоб-китоб қанчалик гўхта олиб борилса, корхонанинг молиявий-иқтисодий имкониятлари кенгайиб бораверади, деди. Парламент томонидан тегишли қонунлар ижросига алоҳида эътибор

қаратилиши эса соҳада юзга келаятган муайян бўшлиқларни тўлдириш, йўл қўйилаётган ҳатоларни ўз вақтида бартараф этишга хизмат қилади. «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компанияси тизимида бухгалтерия ҳисобида оид норматив ҳужжатлар, алоҳида халқарога эга бўлган услубий тўпламларга обунна мунонали йўлга қўйилган. Компаниянинг ҳисоб сиёсати, архив ишини ташкил

қилиш, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни амалга ошириш тартиби ҳам ишлаб чиқилган. — Компанияимизда «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонун ҳамда бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари ижросини таъминлаш мақсадида қўйи бўғинлар учун махсус кўрсатмалар ишлаб чиқилиб, тизимдаги корхоналарга етказилган, — деди «Ўзавтойўл» дав-

лат акциядорлик компанияси раиси Муродил Абдуллаев. — Хусусан, 2011 йилнинг 16 апрелида ўтказилган кенгайтирилган йўғилиш баёни асосида қабул қилинган тадбирлар режасида ҳам мазкур қонун ижроси юзасидан уч банддан иборат чоралар белгиланган. Муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари юзга келишининг олдини олиш бўйича ҳам изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Аммо солиқ идоралари томонидан компания тизимидаги ташкилотларда ўтказилган текширишлар 36 та корхонада жами 401 миллион сўмлик солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаганини кўрсатди. Қонун талабидан келиб чиқиб, «Ўзавтойўл» ДАК тизимидаги корхоналарда аудит ишларининг аҳоли, уларнинг ҳулоса ва тақлифлари ўрганилганда эса шу пайтгача ички аудит хизмати ташкил этилмагани маълум бўлди.

Шу ўринда Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасининг 2010 йилдаги даромадлари 846,6 миллиард сўмни, харажатлари эса 668,0 миллиард сўмни

ташқил этганини таъкидлаш жоиз. Ҳисобот даврида халқаро ва давлат аҳамиятига эга автомобиль йўлларида 284,9 километрик куриш ва реконструкция ишлари бажаририлган. Бироқ 2010 йилга мўлжалланган инвестиция дастурига асосан умумий маблағининг 197 йилги бюджет ташкилотлари учун бухгалтерия ҳисобини юришти тўғрисидаги йўриқномага амал қилиб келган.

«Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компанияси тизимида йўл куриш ва таъмирлаш борасидаги ишлар ҳажми тобора ошиб бориши баробарида жойларда молиявий қонунбузарликлар ҳам кўпаяётгани ачинарлидир, — деди О'зЛиДеР фракцияси аъзоси Шавкат Тешаев. — Бу эса жамғарма раҳбариятининг тўловлардаги чалкашлиқларни аниқлаш мақсадида ушбу масалага дахлдор идоралар билан тизимли равишда иш олиб борманини ёки тегишли ташкилотларга шунчаки хатлар ёзиш билан чекланганини кўрсатади.

Йўғилишда қайд этилган камчиликларни бартараф этиш мақсадида Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг аниқ тақдир қилмади тавсиялари ишлаб чиқилди.

кўрсаткичи 25889 тага етди. Ойлар бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари мамлакатимизда ўз даромад манбаи ва тирикчилик воситасига эга бўлган оилавий сонининг муттасил ошиб бораётгани, хусусан, 2008 йилда бу кўрсаткич 85,1 фоиз, 2010 йилда эса 89,6 фоизни ташқил этганини кўрсатапти.

Шу боисдан ҳам кейинги йилларда мамлакатимизда оилавий тадбиркорликнинг қонуний асосларини яратиш, хусусан, «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонунни қабул қилишнинг даврининг ўзи тақозо этаётган.

Мазкур қонун қабул қилинса, мамлакатда тадбиркорликнинг янги шакли ривожланиб, аҳолини ички истеъмол буюмлари ҳамда янги иш ўринлари билан таъминлаш имконияти ҳам кенгайди. Бу эса О'зЛиДеР илгари сураётган устувор гоёларга тўла мосдир.

Тўғри, амалдаги қонунчилигимизда оилавий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш бўйича ташкилий-ҳуқуқий асослар яратилган бўлиб, унга кўра, оилавий бизнес асосан яққа тартибдаги тадбиркорлик ёки хусусий корхона, масъулият чекланган жамият шаклида амалга оширилиши белгилаб қўйилган. Бироқ бу фақат хусусий корхона эгаси ёки МЧЖ директори сифатида рўйхатга олинган яққа тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш бўйича ташкилий-ҳуқуқий асослар яратилган бўлиб, унга кўра, оилавий бизнес асосан яққа тартибдаги тадбиркорлик ёки хусусий корхона, масъулият чекланган жамият шаклида амалга оширилиши белгилаб қўйилган.

«Аёллар қаноти» лойиҳа ғолибларини эълон қилди

О'ZLiDeP «АЁЛЛАР ҚАНОТИ» ТАШАББУСИ АСОСИДА ЎЗБЕКИСТОН САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА ЎТКАЗИЛГАН «ТАДБИРКОРЛИК ТАМОИЛЛАРИ ВА ИШБИЛАРМОНЛИК ИМКОНИАТЛАРИ» ҚЎШМА ЛОЙИҲАСИНИНГ РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИДА 42 НАФАР ҒОЛИБ АЁЛГА ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ СЕРТИФИКАТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

**Наргиза КАҲҲОРОВА,
«XXI ASR»**

— Юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да белгилаб берилган устувор вазифалар сифат жиҳатидан янги сиёсий-ҳуқуқий шароитлар ҳамда тадбиркорлик учун қўлай имкониятларни вужудга келтирмоқда. — деди тадбирда О'ZLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Мухлиса Ақромова. — Концепцияда кичик бизнес, биринчи навбатда, хусусий тадбиркорликнинг ролини янада кенгайтириш жараёнида фуқаролик жамияти институтлари, аҳолининг кенг қатлавлари, биринчи навбатда, аёллар ва ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш устувор вазифа сифатида белгиланган. Ана шундай муҳим вазифалар ижроси йўлидаги лойиҳамизда худудларда амалий мулоқот ва ўқув-семинарлар ташкил этилди. Уларда хотин-қизларимизга ўз бизнесларини йўлга қўйишда ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан кенг ва батафсил маълумотлар берилди.

Ҳа, пойдевори мустаҳкам бино дарз кетмайди, деган гап бор. Аввалбошданок пухта ўрганилиб, мукамал тузилган «Тадбиркорлик тамойиллари ва ишбилармонлик имкониятлари» лойиҳаси кўплаб ташаббускор аёлларни бирлаштириш олгани унинг муваффақиятли яқунланганидан ҳам кўриниб турибди. Тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш ниятидаги хотин-



қизларни бизнес-режа тузишдан тортиб, банк ва солиқ идоралари билан бўладиган мулоқотгача тайёрлаган ўқув-семинарларнинг туман ва шаҳар bosқичида 6458 нафар, вилоят bosқичида 786 нафар қайта-қайта таълим берилди, тадбир довомида жойларда 144 та янги иш ўрни яратилиб, партия сафидаги хотин-қизлар сони 150 нафарга ортганини ҳам таъкидлаш мумкин.

— Қўшма лойиҳанинг амалий натижаси шундан иборатки, энг чекка худудларимиздаги хотин-қизларимиз кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик борасида бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар тўғрисида батафсил маълумотга эга бўлдилар, — дейди Савдо-саноат палатасининг

масъул ходими Файзулла Маманов. — Унинг яқини bosқичида ўзининг самарали лойиҳалари билан қатнашган жами 42 нафар иштирокчига тижорат банклари билан келишилган ҳолда бизнес-режаларини амалга оширишлари учун имтиёзли кредитлаш кафолатини берувчи сертификатлар топширилди. — Республика bosқичида ғолиб бўлганмидан мамнунман. Энди тадбиркор сифатида иш бошлаш учун ҳам маънавий, ҳам моддий имкониятга эга бўлдим, — дейди лойиҳанинг энг ёш иштирокчиси, жондорлик Хумора Курбонова. — Менга бундай имкониятни яратиб берган О'ZLiDeP «Аёллар қаноти»га миннатдорлик билдиришни истардим. Чунки «Тадбиркорлик тамойиллари ва ишбилармонлик имкониятлари»

лойиҳаси туфайли анчадан буён ўйлаб юрган гоъларимни амалга ошириш учун шароит яратилди. Билдирилган ишончи оқлаган ҳолда менга ажратилган 10 млн. сўмлик кредитни ўз вақтида қайтариш учун бор имкониятларини ишга соламан. Қорақалпоғистонлик Айтгул Наженова эса 15 млн. сўмлик имтиёзли кредитдан фойдаланиб, нон ва қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни режалаштирганини таъкидлади. Унинг айтишича, келинлари Дилбар Жомротова, Гуландон Ражапова бу ишда аяга кўмаклашадилар.

Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириб, ярим тайёр чинни буюмларига миллий услубда безак беришни бизнес-

режасининг асоси санадан тошкентлик Шохида Зокирова ҳам 4 млн. сўмлик имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Хулоса ўрнида шунга айтиш мумкин, О'ZLiDeP «Аёллар қаноти» ташкил этилган бундай тадбирлар мамлакатимиз хотин-қизларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига йўналтириш баробарида аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини оширишга ҳам хизмат қилмоқда. Юртимизда олиб борилаётган ислохотлар самараси эса уларнинг истиқболли режаларига қанот бағишлаши шубҳасиздир.

Тадбир ташкилотчиларининг фикрича, лойиҳа бу билан ақунланмади. Ақинча, яна вилоятларда изчил давом этади.

О'zLiDeP ва банк ҳамкорлиги

БИЗНЕС ОЛАМИНИНГ ЯНГИ АВЛОДИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАЯПТИ

**Шухрат РАҲИМОВ,
«XXI ASR»**

Ёшларнинг тадбиркорлик қизиқишларини кучайтириш, ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, ўз бизнесини ташкил этишлари учун иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароит яратишда О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва «Микрокредитбанк» ҳамкорлигида ташкил этилган «Диплом билан — бизнесга» акцияси алоҳида ўрин тутапти.

О'zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши ҳамда «Микрокредитбанк» вилоят филиали томонидан Жиззах политехника институтида ташкил этилган ўқув-семинарда иштирок этган талабалар ва уларнинг энг билимдонлари махсус сертификатлар билан тақдирлангани ҳам бунга мисол бўлиши мумкин.

Шу ўринда Жиззах вилояти тижорат банклари томонидан 2011 йилда тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш учун 1051,4 млн. сўм миқдоридан кредит ажратилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

«Диплом билан — бизнесга» лойиҳаси доирасида тадбиркорлик соҳасининг ўзига хос томонларини очиб бериш мақсадида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси вилоят худудий бошқармаси, вилоят деҳқон ва фермерлар уюшмаси, шаҳар ҳокимлиги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекцияларининг ҳам жалб этилиши ёшларнинг соҳага оид билим ва кўникмаларини оширишга хизмат қилди. Самарқанд шаҳрида-



ги «Ёшлар маркази» биносида бўлиб ўтган ўқув-семинар ҳам ушбу лойиҳанинг мазкур худуддаги давоми бўлди, дейиш мумкин. 50 нафардан ортиқ йигит-қизлар иштирокида беш кун давом этган тадбир якунида иштирокчи ёшлар хайъат аъзоларига ўз бизнес лойиҳаларини тақдим қилдилар.

— Мен хонаки гулларни етиштириш ва савдога чиқаришга оид бизнес-режа билан иштирок этдим, — дейди Самарқанд ҳуқуқшунослик коллежи битирувчиси, лойиҳа ғолибларидан бири Самария Шерматова. — Гулларнинг инсон саломатлигига ижобий таъсирини англаганим учун ушбу машғулот билан шуғулланмоқчиман. Келажақда гул савдосини

йўлга қўйиш баробарида олий ўқув юртида таълим олиш ниятим бор. «Диплом билан — бизнесга» лойиҳаси доирасидаги ўқув-семинарлар Урганч Олимпия заҳиралари, Кўшкўпир агро-саноат, Урганч санъат, Гурлан иқтисодиёт, Хива педагогика касб-хунар коллежларида ҳам кўтаринки руҳда ўтди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили муносабати билан мамлакатимизнинг барча худудларида ўтказилган бундай тадбирлар ёшлар, хусусан, касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жалб қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Зеро, тажриба мактабига айланган бундай ўқув-семинарлар яқин келажақда ўз самарасини беришига шубҳа йўқ, албатта.



КОНЦЕПЦИЯ ТАЛАБЛАРИ АМАЛДА

СИРДАРЁ. Шу кунларда партия ташкилотлари томонидан республикамизнинг барча худудларида мустақилликнинг 20 йиллиги олдидан «Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан» шиори остида турли тадбирлар ўтказилмоқда. О'zLiDeP вилоят кенгаши томонидан Гулистон шаҳридаги академик лицейда ташкил этилган давра суҳбатида Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси ҳамда ундан келиб чиқадиган партиявий вазифалар хусусида сўз юритилди.

Тадбир иштирокчилари Концепцияда илгари сурилган давлат бошқарувини янада демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислох этиш, ахборот ва сўз эркинлиги, сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ҳамда сайлов қонунчилигини ривожлантириш, иқтисодиётни либераллаштириш, бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш билан боғлиқ йўналишларни алоҳида эътироф этиб, шу асосда жойларда ижтимоий-сиёсий фаолликни янада ошириш лозимлигини таъкидладилар.

ЎРТА СИНФГА БИРЛАМЧИ ЭЪТИБОР

КАШКАДАРЁ. О'zLiDeP вилоят кенгаши, давлат солиқ ва божхона бошқармалари ҳамкорлигида Шаҳрисабз туманида ўтказилган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик — жамиятимиз иқтисодий барқарорлигининг кафолати» мавзусидаги ўқув-семинарда асосий эътибор хусусий мулк эгалари, экспорт ва импорт, ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тартибга солувчи қонунларни янада такомиллаштириш бўйича зарур тавсияларни ишлаб чиқиш, шунингдек, Президентимиз Концепциясида ўртага қўйилган дастурий масалалар юзасидан аниқ вазифаларни белгилаб олишга қаратилди.

Таъкидланганидек, тадбиркорлик фаолиятига оид қонунларни амалиётга самарали татбиқ этиш жойларда қўшимча иш ўринлари яратиш, аҳолининг бандлик

даражасини ошириш ва турмуш фаровонлигини юксалтиришда муҳим аҳамиятга эгадир. Тадбирда эришилган ютуқлар билан бир қаторда мавжуд имкониятлардан етарлича фойдаланилмаётгани, жойларда мулк эгаларини дуч келаётган айрим қийинчиликлар ҳам борлиги қайд этилди.

Семинар қатнашчилари солиқ ва божхона ходимларига ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат этиб, тегишли жавобларни олдилар. Тадбир якунида фаол иштирокчиларга вилоят давлат солиқ ҳамда божхона бошқармаларининг фахрий ёрликлари, эсдалик совғалари топширилди.

ТАДБИРКОРЛИККА КЕНГ ЙЎЛ

САМАРҚАНД. О'zLiDeP вилоят кенгаши томонидан Тайлоқ туманидаги Агротадбиркорлик коллежидида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, фермерлар, маҳаллий кенгаш депутатлик гуруҳи аъзолари ҳамда партия фаоллари иштирокида ўтказилган амалий мулоқотда аҳоли турмуш даражасини янада юксалтиришда тадбиркорлар ва кичик бизнес субъектларининг салмоқли роли алоҳида эътироф этилиб, тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, улар фаолиятига тўсик бўлаётган муаммоларни бартараф этиш долзарб муаммолардан бири эканлиги таъкидланди.

Сўзга чиққанлар мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган ислохотлар самараси хусусида тўхталиб, бир қатор қўшма корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар дунё бозорига ҳам харидориги эканини эътироф этдилар ва бу йўналишдаги ҳаракатларни изчил давом эттириш, маҳсулотларнинг юқори сифати ва рақобатбардорлигини таъминлаш, уларни экспорт қилиш ҳажмини янада кенгайтириш зарурлигини таъкидладилар.

Ўртақўлликлар яна фаол

Қизилтепа туманидаги ўртақўллик фермерлар жорий мавсумда ҳам вилоятда биринчилардан бўлиб галла ўрнимга киришдилар.

Навоий вилояти ҳокимлиги ахборот хизматидан хабар қилинишича, дастлабки икки кунда улар «Қизилтепа ун заводи» МЧЖга янги ҳисилдан 1000 тоннадан зиёд дон топширишди.

— Комбайнларнинг яхши таъмирлангани мавсумни уюшқоқлик билан ўтказиш имконини берапти, — дейди «Агротехсервис» МЧЖнинг «Кейс» комбайни оператори Б. Нуров. — Бир соатда 3 гектар майдондаги галлани янчиб олишга улгурдик.

Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими мутахассисларининг фикрича, бу йил Ўртақўл массивининг 3360 гектар майдонида уруғ қадаган 67 та фермер хўжалиги галлакларини қарий 14-15 минг тонна сара дон йиғиштириб олишни режалаштирмоқдалар.

«Ишбилармон ўқувчи» тадбиркорликка замин яратмоқда

ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ТОМОНИДАН АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ ВА КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ ТАЛАБАЛАРИ ОРАСИДА «ИШБИЛАРМОН ЎҚУВЧИ» МАХСУС СТИПЕНДИЯСИ УЧУН ЎТКАЗИЛАётган КўРИК-ТАНЛОВЛАР КЕЛАЖАГИМИЗ ЭҒАЛАРИНИНГ ИНТИЛИШ ВА ИЗЛАНИШЛАРИГА ҚАНОТ БАХШ ЭТМОҚДА

**Илҳамжон ЭҒАМНАЗАРОВ,
«XXI ASR»**

Мазкур танловнинг Андижон вилояти bosқичи ғолиблари бўлган ўқувчилар ҳам ўзларининг тадбиркорлик ва ишбилармонлик кўникмаларини намойиш этиш билан бирга интеллектуал салоҳиятларини ҳам кўрсатишди.

— Мен дўстларим ва ҳамкорларим Шоядбек Маматов, Акбарали Жакбаралиев, Шаҳноза Мирзакаримова билан биргаликда янги технология — фото иситигч яратдик, — дейди Андижон Давлат тиббиёт институти қошидаги академик лицей ўқувчиси Ҳасанбой Ўринбоев. — Унинг оғирлиги 5 килограмм, бўйи 40 см, узунлиги 60 см. бўлиб, зарур бўлганда ундан хонани иситиш ва ёритишда ҳам фойдаланиш мумкин. Шу билан бирга хо-

нанинг намлиги бир меъёрда сақлаб турилади. Ёнгин хавфсизлигини таъминлаш чораси ҳам кўрилган.

Кўрик-танловда, шунингдек, Марҳамат ижтимоий-иқтисодий педагогика коллежининг 1-bosқич ўқувчиси Хайрихон Темирова, Асака маиший хизмат ва тадбиркорлик касб-хунар коллежи талабаси Ёдгорой Фанижонова ҳам ғолиб чиқиб, республика bosқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Сармоя аниқ мақсадга йўналтирилмоқда

Шаҳрисабзлик тадбиркор Зиёвуддин Тошаров ёшларни ишга жалб қилиш, туман аҳоли дастурхонини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида «Ипотекабанк»нинг туман филиалидан 15 миллион сўм кредит олган эди. Кўп ўтмай, тадбиркор тумандаги қаровсиз ётган бинони таъмирлаб Украинадан турли хилдаги макарон маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган замонавий линия келтириб ўрнатди. — Бир кеча-кундузда 800 кг. макарон ишлаб чиқараёلمиз, — дейди тадбиркор. — Йил охиригача бу кўрсаткични 2,5 тоннага етказиш, шунингдек, қўшимча иш ўринлари яратишни режалаштираётман.

Хўрақин тадбиркор ва ишбилармонлар!
ТАДБИРКОРЛИК ВА ФЕРМЕРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ АМАЛДА
нодавлат нотижорат ташкилоти хусусий бизнесни йўлга қўйиш, иш фаолиятинингизга турли ноқонуний аралашувлар сабабларини таҳлил қилиб, уларни бартараф этишда сизларнинг энг яқин ҳамкорингиз ва кўмакчингиздир.
Фаолиятигизда бирор муаммо юзатга келса, сизга нақиллашмай бизга мурожаат этинг!
Манзил: Мирзо Улуғбек тумани, Қорасув 6 дақаси 19-й ғў.
Телефон: 8 (371) 265-80-48; 265-73-17. E-mail: deputat.uz@rambler.ru

Қонун устуворлиги фуқаролик жамияти асосидир

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ ҚАРИМОВ ТОМОНИДАН ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН «МАМЛАКАТИМИЗДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ»ДА СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ ИНСОНПАРВАРЛИК ТАМОЙИЛЛАРИГА АСОСЛАНГАН ДЕМОКРАТИК ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ БАРПО ЭТИШНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИ ЭКАНИГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛДИ



Абдубон МАДАЛИМОВ,
Фарғона вилояти адлия бошқармаси бошлиғи

Бу ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ўзгаришларда ислохот — ислохот учун эмас, аввало, инсон учун, унинг фаровон ҳаёти учун хизмат қилиши керак, деган тамойилга қатъий амал қилинаётганидан далолатдир.

2001 йилда “Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонуннинг қабул қилиниши эса ана шу муҳим жараёни навбатдаги босқичини бошлаб берган эди. Айниқса, Жиноят кодексига “Ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш” тўғрисидаги 66¹ -модда

киритилгач, ижтимоий ҳаффи катта бўлмаган жиноят содир этиб, ўз айбига икор бўлган, жабрланувчи билан ярашган ва етказилган зарарни қоплаган шахсларни жиноий жавобгарликдан озод қилиш имконияти яратиб берилди.

2010 ва 2011 йилнинг дастлабки чорагида туман (шаҳар) судлари томонидан 2328 та жиноят иши ярашув институтига мувофиқ ҳаракатдан тугатилиб, 2499 нафар гумонланувчи жиноий жавобгарликдан ва энг муҳими “судланган”

жинояти содир этган шахсларга нисбатан тайинланиши мумкинлиги белгиланди. Энг муҳими, бу жазо аёллар, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар ва ёши олтидан ошган эркакларга нисбатан тайинланмай, фақат фавқуллода

цепциясида эса қонунийликни таъминлашни янги ва янада самарали механизмларини яратиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалдаги қонунларга, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотлар талабига мос бўлишини таъминлаш мақсадида “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонуннинг янги таҳририни қабул қилиш, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 29 ва 31-бобларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиб, судга қадар иш юритув босқичида қўлланиладиган чоралар, яъни лавозимдан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораларини фақат судьянинг санкцияси асосида қўллаш тартибини жорий этиш белгиланмоқда. Президент Концепциясида ҳуқуқий таълим ва маърифатни, жамиятда ҳуқуқий билимлар тарғиботини тубдан яхшилашга йўналтирилган кенг қўламли чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш таклифи ҳам илгари сурилди.

Бундай дастурнинг қабул қилиниши, шубҳасиз, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларига нисбатан хурмат билан муносабатда бўлиш, фуқароларда эса қонунга итоаткорлик туйғусининг янада орттишини таъминлашга хизмат қилади.

АВВАЛ АНА ШУ МОДДА КОДЕКСНИНГ 31 ТА МОДДАСИ БЎЙИЧА ҚЎЛЛАНИЛГАН БЎЛСА, ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИНИНГ ХVIII ЯЛПИ МАЖЛИСИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖИНОЯТ КОДЕКСИНИНГ 66¹ -МОДДАСИГА ЎЗГАРТИШ КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНГА БИНОАН ЯРАШУВ ИНСТИТУТИНИ ҚЎЛЛАШ МУМКИН БЎЛГАН МОДДАЛАР Сони 40 Тага етди.

Авал ана шу модда кодекснинг 31 та моддаси бўйича қўлланилган бўлса, Олий Мажлис Сенатининг XVIII ялпи мажлисида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66¹-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида”ги қонунга биноан ярашув институтини қўллаш мумкин бўлган моддалар сони 40 тага етди. Кези келганда ана шу моддалар қаторига кодекснинг 277-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган безорилик жиноятининг киритилиши судланган шахслар сонининг кескин қайишиши олиб келганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Шу ўринда вилоятда деган бир умрлик қора догдан халос бўлганини тизимдаги ислохотларнинг реал натижаси, дея тилга олиш мумкин. Моддои, жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши ҳақида сўз юритилар экан, Президентимизнинг 2005 йил 1 августда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида”ги Фармонидан кейин ўлим жазоси ўрнига умрбод ёки узок муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланиши таъкидлаш жоиз. Зеро, бу жазо ҳам фақатгина жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда, яъни қасддан одам ўлдириш ва терроризм

жазо чораси сифатида қўлланилаётганини таъкидлаш жоиз. Юртбошимизнинг 2005 йил 8 августдаги “Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида”ги фармони эса суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар ва либераллаштириш жараёнининг мантукий давом бўлди, дейиш мумкин. Зеро, санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши терговчи ва прокурорлар жавобгарлигини кучайтириш, суд ҳокимиятининг нуфузи ва мустақиллигини мустаҳкамлаш, шахснинг конституциявий ҳуқуқини ишончли ҳимоя этишини таъминлашга хизмат қилмоқда. Президентимиз Кон-



Андижонликлар ташаббусини қўллаб-қувватлаймиз

О‘ЗЛИДЕР АНДИЖОН ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ФАОЛЛАРИНИНГ МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 20 ЙИЛЛИГИГА ДАВЛАТ ДАСТУРИДА БЕЛГИЛАНГАН ДАВЛАТ ТАШҚАРИ ЯНА 20 МИНГА ИШ ҲАМ ЯРАТИШГА ОИД ТАШАББУСИ ИШЧИ-ХИЗМАТЧИЛАРИМИЗ, АЙНИҚСА, БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ АЪЗОЛАРИНИНГ ДИЛИДАГИ ГАП БЎЛДИ

Бибиражаб ЭЛОВА,
Бухоро шаҳридаги “Раҳмат бобо” хусусий фирмаси раҳбари

Хусусий фирмамиз ташкил этилган 1999 йилда атиги 5-6 киши ишларди, ҳоло Президентимиз томонидан тадбиркорлик учун яратилган имкониятлардан фойдаланиб, фаолиятимизни янада кенгайтирдик. Бугун корхонамизда 20 нафардан ортиқ тикувчи, бичувчи, дазмонловчи ва бошқа бир қатор турдош касб эгалари бу-

юртмачилар талаби асосида фаолият олиб боришмоқда. Иш билан таъминланганларнинг кўпчилигини эса касб-хўнара коллежалари битирувчилари бўлиб, уларга Гулбаҳор Зоқирова, Гуландом Ражабова каби моҳир тикувчилар устозлик қилмоқдалар. Уш тусомлама шарътнома асосида ишга қабул қилинган ёшларнинг ҳам, корхонада узоқ йиллардан бери иш юритаётганларнинг ҳам унумли меҳнат қилишлари учун барча шароитлар яратилган. Япония ва Россияда ишлаб чиқариладиган 20 дан ортиқ замонавий тикув машиналарида эркаклар-

нинг махсус кийимлари, аёллар халати, кўрпак, ёстиқ жилдлари ва бошқа маҳсулотлар тайёрланапти. Асосий хом ашё — оқ сурпни «Бухоро-ДЭУ-Текстайл» корхонаси етказиб бермоқда. Айтмоқчиманки, мамлакатимизда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга қаратилаётган бундай эътибор ва яратилаётган шароитлар бугун ўз самарасини берапти. Биз эса ана шу имкониятлардан фойдаланган ҳолда корхона қувватини янада ошириб, қўшимча иш ўринлари яратишга ўз ҳиссамизни қўшаверамиз.

Харидор қонунни билса, сотувчи хатога йўл қўймайди

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2010 ЙИЛ 19 АПРЕЛДАГИ «БАНК ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНГАН ҲОЛДА ҲИСОБ-КИТОБ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИ ИЗЧИЛ ИЖРО ЭТИЛАЁТГАН МАМЛАКАТИМИЗДА ПУЛ МУОМАЛАСИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ, НАҚД ПУЛСИЗ ҲИСОБ-КИТОБЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ВА БАНКДАН ТАШҚАРИ НАҚД ПУЛ АЙЛАНМАСНИ ҚИСҚАРТИРИШ БАРОВАРИДА АҲОЛИГА ТУРЛИ ТЎЛОВЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШЛАРИ УЧУН ҚУЛАЙ ШАРТ-ШАРОИТ ЯРАТДИ

Эргаш КАРИМОВ,
Хоразм вилояти давлат солиқ бошқармаси шўъбаси бошлиғи

Жумладан, Хоразм вилоятида ҳам нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширишнинг самарали механизми яратилиб, солиқ ходимлари ҳисоб-китоб терминаллари билан таъминлаш шарт бўлган чакана савдо ҳамда хизмат кўрсатиш объектларининг банк пластик карточкаларидан тўловлар қабул қилиш талабларига сўзсиз риоия этишларини қатъий назорат қилмоқдалар. Бугун вилоятда 5378 та нақд пулда ҳисоб-китоб қилувчи

турфун савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари бўлиб, жорий йилнинг биринчи чорагида уларнинг 3164 таси терминаллар билан таъминланди. Лекин, афсуски, айрим жойларда белгиланган тартибларга риоия эътиборини қўйиб, олиқ-қувватларига риоия қилишнинг натижасида бундай нохуш ҳолатларнинг олди олинмоқда. Масалан, терминаллар билан таъминлаш талабларининг бузулиши, пластик карточкалар орқали тўловларни қабул қилишнинг бундай тартибларига риоия қилиш шарт бўлган чакана савдо ҳамда хизмат кўрсатиш объектларининг банк пластик карточкаларидан тўловлар қабул қилиш талабларига сўзсиз риоия этишларини қатъий назорат қилмоқдалар. Бугун вилоятда 5378 та нақд пулда ҳисоб-китоб қилувчи

явий жарималар қўлланилиб, 26 нафар шахс 1 млн. 839 миң сўмлик маъмурий жаримага тортилди. Маълумки, Солиқ кодексининг 119-моддасига биноан техник талабларга жавоб бермайдиган назорат-касса машиналаридан фойдаланганлик, шу жумладан, пластик карточкалар орқали тўловларни қабул қилишнинг рад этиш энг кам иш ҳақиқини 100 баравари миқдориде жарима солишига сабаб бўлади. Бундан ташқари, ушбу ҳаракатлар бир йил ичида қайта содир этилса, энг кам иш ҳақиқини 200 баравари миқдориде жарима солинади. Ушбу қоидалардан нафақат сотувчилар, балки харидорлар ҳам хабардор бўлсалар, қонунбузарликларнинг олди олинган, бундан аҳоли ҳам, давлат ҳам манфаатдор бўларди.

11 миң боланин 3475 нафари бепул дам олади

Жорий йилда Сурхондарё вилоятидаги 11 миң нафардан ортиқ ўғил-қизларнинг ёзи оромгоҳларида дам олиши учун барча шароитлар яратиб қўйилди. Вилоят ҳокимлиги ахборот хизматидан хабар қилинишича, айни пайтда воҳанин 9 та оромгоҳи ўқувчиларни қабул қилишга тайёр. Бу муҳим ишга оталик ташкилотлар ва ҳомийлар ҳам муносиб ҳисса қўшишди. Жумладан, «Сурхон пармалаш ишлари» АЖ «Нефтчи» оромгоҳини таъмирлаш ва қайта жиҳозлаш учун қарий 100 миллион сўм сарфлаган бўлса, «Бешулок-Сурхон-Шеробод» дам олиш мактабини реконструкция қилиш учун 25 миллион сўм маблағ ажратди. Бундан ташқари, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури ихроси доирасида кам таъминланган оилаларнинг 3475 нафар фарзанди ёзги дам олиш мактапларида бепул ҳордик чиқарадилар.

Қарс икки қўлдан

ЁКИ ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ АЙРИМ ТУМАНЛАРИДА ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИ ВА БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИДА КЎЗГА ТАШЛАНАЁТГАН КАМЧИЛИК ҲАМДА НУҚСОНЛАР ХУСУСИДА

Ақбар МУЗАФФАРОВ,
«XXI ASR»

Айни пайтда О‘зЛиДеР Қашқадарё вилояти кенгаши атрофида 11574 нафар аъзоси бирлаштираган бўлиб, 700 дан зиёд бошланғич ташкилотлар жойларда либерал-демократик гояларни кенг тарғиб қилиб, партиянинг мақсад ва вазибалари ижросини таъминлашда фаол иштирок этмоқдалар. Жумладан, Касби ва Миришкор туманларида партиявий-сиёсий ишларга жиддий эътибор қаратилаётгани боис бошланғич ташкилотлар фаолияти сон ва сифат жиҳатдан ҳам мустаҳкамланмоқда. Бугун Касби туманида 469 нафар партия аъзоси бўлиб, улар 46 та БПТ атрофида фаолият олиб бораётдилар. Халқ депутатлари туман кенгашидаги 10 нафар депутат О‘зЛиДеР аъзоси бўлиб, улар асосий эътиборни депутатлик гуруҳи фаолиятини жонлантиришга қаратмоқдалар. Ҳамон давр мобайнида депутатлик гуруҳлари томонидан касб-хўнара коллежалари битирувчиларини иш билан таъминлаш, туманда жамоат транспорти йўл ҳақини пасайтириш сингари долзарб масалалар сессиялар кун тартибига киритилиб, ижобий ҳал этилган ҳам Касби туманида партиявий ишлар изчил ва электорат манфаатига асосланган ҳолда

олиб борилаётганини кўрсатади. Миришкор туманида ҳам ана шундай фаолиятга гувоҳ бўлиш мумкин. Туманда жами 485 нафар партия аъзоси бўлиб, улар 44 та БПТ атрофида бирлашган ҳолда фаолият юритаётдилар. Партия фаолларининг 1 нафари халқ депутатлари вилоят, 13 нафари эса туман кенгаши депутатлигига сайланганлар. БПТ раислари ва аппарат ходимлари учун алоҳида ўқувлар ташкил этилиб, уларнинг сиёсий билим ҳамда малакасини ошириш чоралари кўрилмоқда.

Аммо беш қўл баробар эмас, деганларидек, биз Чирочқидек йирик бир туманда бутунлай бошқача ҳолатга гувоҳ бўлдик. Маълумотларга кўра, туманда 43 та БПТ бўлиб, аъзоларнинг жами сони 567 нафарни ташкил этади. Аммо бундан уч йил аввал охириги марта бошланғич ташкилот тузилгани қандай изоҳлаш мумкин? Боз устига улар фаолиятига оид ҳужжатлар, йиллик ва чораклик иш режалари мавжуд эмаслигини тушуниш қийин. О‘зЛиДеР туман кенгаши раисининг биринчи ўринбосари — аппарат раҳбари Фарҳод Элмуродов ҳамда бошланғич ташкилотлар билан ишлаш бўйича маслаҳатчи Мухтор Сунонов билан ўтказилган суҳбатда эса уларнинг жойларда партия ташкилотлари ишини партия Низоми, Сайловолди дастурида,

Концепцияда кўрсатилган давлат ва жамият қурилишининг долзарб масалаларига, минтақаларнинг социал-иқтисодий ривожланиш дастурларига асосланган ҳолда иш олиб бориш кераклигини тушуниб етмаётганлари маълум бўлди. Халқ депутатлари туман кенгашига О‘зЛиДеРдан 8 нафар депутат сайланганига қарамай, йил давомида партия электоратини ўйлантираётган бирор-бир масала сессияларга олиб чиқилмагани ҳам партиявий назорат, депутатлар фаолияти бугунги кун даражасида эмаслигини кўрсатмоқда. Шахрисабз туманидаги ўрганишлар ҳам

юқоридагидек ҳолатлар мавжуд эканини кўрсатди. 590 нафар партия аъзоси бўлган туманда 2009 йилдан бери бирор-та ҳам бошланғич ташкилот тузилмаган. Халқ депутатлари вилоят кенгаши депутатлигига 3, туман кенгашига эса 13 нафар партия фаоли сайланган бўлса-да, жорий йилнинг ўтган даврида улар томонидан сессия кун тартибига бирорта ҳам масала киритилмаган. Партиявий-сиёсий ишларга бу қадар эътиборсизлиқни О‘зЛиДеР вилоят кенгашидаги мутасаддилар, электорат манфаати учун «жон» қойитаётган депутатлар қандай изоҳларкинлар?

Қашқадарёлик айрим партия етакчиларининг бундай лоқайдлиги, албатта, йирик бир вилоятда партиянинг гоя ва мақсадларини тарғиб этиш, электорат манфаатларини изчил ҳимоя қилишга халақит бериш баробарида партиянинг гоя ва мақсадларини қўллаб-қувватлаётган миң-миңлаб юртдошларимизга ҳам салбий таъсир этиши мумкин. Бу эса О‘зЛиДеР вилоят кенгаши мутасаддиларидан ишда туб бурилиш ясашларни такоза этади. Зеро, ислохотларнинг ҳозирги босқичида фаолият ва ташаббускорлик орқалигина қўзғаланган мақсадларга эришиш мумкин.

Битирувчиларга — дипломлар

Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университетига маъруз таълим даргоҳини таъминлаётган ёшларнинг битирувчи бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда ушбу таълим муассасасининг профессор-ўқитувчилари, ота-оналар ҳамда талаба-ёшлар иштирок этди. Тошкент ислом университетини ректори Р.Абдуллаев ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида олий ўқув юртлирининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, уларни замонавий ўқув-лаборатория ва илмий ускуналар билан жиҳозлаш, ўқув дастурларини такомиллаштириш, замона талабларига жавоб берадиган кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Истиклол йилларида давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ташкил этилган Тошкент ислом университетига айни пайтда ёшларга замонавий фан ва технологиялар, диний ва дунёвий билим, хорижий тиллар бўйича таълим берилмоқда. Университетда йигит-қизларнинг ўқиб-изланиши, спорт билан шугулланиши учун барча зарур шарт-шароит яратилган. Бу ердаги ахборот-ресурс ва исломшунослик марказлари, маънавий хазинаси, интернетга уланган замонавий компьютер хоналари талабаларнинг назарий ва амалий билиминини мустаҳкамлаш имконини бермоқда. Бу йил ушбу билим юртини жами 154 нафар йигит-қиз битириб, мустақил ҳаётга йўл олди. Тадбирда битирувчиларнинг 124 нафарига бакалавр, 30 нафарига эса магистр дипломлари топширилди. Уларнинг аксарияти ўз иш жойларини олдиндан белгилаб, уч томонлама шартномалар имзолаган.

Х.САЛИМОВ, ЎЗА муҳбири.



RAVNAQ-BANK

Ишончлиликл молиявий барқарорлик кафолати

БУГУНГИ ҲАЁТ, ҚОЛАВЕРСА, МАМЛАКАТИМИЗ МОЛИЯ БОЗОРИДА ҲУКМ СУРАЁТГАН СОҒЛОМ РАҚОБАТ МУҲИТИ АҲОЛИГА ТЕЗКОР, ПУХТА ВА ИШОНЧЛИ ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИ ТАҚОЗО ҚИЛМОҚДА

Шахзод НАЗАРОВ, «XXI ASR»

Ушбу томоилларга алоҳида эътибор қаратилган мусассалардан бири хусусий очик акциядорлик-тижорат «Равнақ банк» дир. Унинг ташкил этилганига ҳадемай ўн йил тўлади. Банк жамоаси томонидан жорий йилнинг ўтган даврида кичик бизнес вакиллари ва хусусий тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 9011 млн. сўм кредит маблағлари йўналтирилди.



Энг муҳими, банк муассасаси билан миқозлар ўртасида яқин ва ишончли ҳамкорлик ўрнатилгани янги ютуқларга замин бўлмоқда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ишлаб чиқаришга 274 млн. сўм, савдо соҳасига 8287 млн. сўм, хизмат кўрсатишга 450 млн. сўм, микдоридан кредит ажратилди.

Маълумки, пластик карточкалар электрон тўлов воситаси сифатида хар хижатдан қўлай ва ишончли эканини исботламоқда. Айни кунда банк пластик карточкаларидан 2879 киши унумли фой-

даланаётгани ҳам шундан. Тошкент шаҳри, вилоят ва туман марказларида юзта савдо терминаллари ўрнатилган бўлиб, харидорларга кечаю-кундуз хизмат кўрсатилмоқда. Бу борада самарали маркетинг сиёсати юритилиб, жойларда зарур тушултириш ишлари олиб борилаётганлиги ҳам эътиборга молиқдир.

Аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини банк депозитларига жалб қилиш айни кундаги муҳим вазифалардан бирига айланган. Бу бир хижатдан миқозларнинг банкка бўлган ишончини мустақкамлашга хизмат қилади. Хусусан, миллий валютадаги «Бо-

нусли», «Коммуналчи», «Бола-лар» муддатли омонат турларига бугун талаб катта. Чунки улар хар хижатдан қўлай ва дахлсиздир. Қолаверса, банк жамоаси «Anelik», «Western Union», «Золотая корона» тезкор пул ўтказмалари орқали ҳам аҳолига намунали хизмат кўрсатиб келмоқда.

Яқин келажакдаги режалар эса бундан ҳам каттадир. Жумладан, худудий филиаллар сонини ошириш, янги хизмат турларини жорий этиш кўзда тутиляптики, бу банкнинг молиявий барқарорлигини янада мустақкамлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Солиқ имтиёзларидан — ишлаб чиқаришга

МАМЛАКАТИМИЗДА САНОАТ ҚОРХОНАЛАРИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ, ТЕХНИК ВА ТЕХНОЛОГИК ЖИҲАТДАН ҚАЙТА ЖИҲОЗЛАШ, ЮКОРИ СИФАТЛИ, РАҚОБАТБАРДОШ ВА ЭКСПОРТБОП МАҲСУЛОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ КЕНГАЙТИРИШГА КАТТА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА. НАТИЖАДА ИЧКИ ВА ТАШҚИ БОЗОРДА УШБУ МАҲСУЛОТЛАРГА ТАЛАБ ОРТИБ БОРАЁТИР. АЙТИШ ЖОИЗКИ, МАҲАЛЛИЙ САНОАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА ЯРАТИЛГАН СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ АЛОҲИДА АҲАМИЯТ ҚАСБ ЭТАЯПТИ

Илёс РАҲМАТОВ, Сурхондарё вилояти давлат солиқ бошқармаси ахборот хизмати бошлиғи

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 14 мартдаги «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги фармонида биноан хўжалик юритувчи субъектларга ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича қатор солиқ имтиёзлари яратилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Жумладан, ана шу мақсадлар учун берилган кредитларни уч йил мобайнида қайтариш, лизинг объекти қийматини тўлашга йўналтирилган сармоялар микдоридан фойдаланган олинмаган солиқ базасини қамқайтириш ҳуқуқи ҳам берилди.

логик жиҳозлар беш йил муддатга мулк солигидан озод этилди. Солиқ ва божхона тўловлари бўйича ҳам қатор имтиёзлар назарда тутилмоқда.

Хусусий сектор манфаати йўлидаги бундай гамхўрлик эвазига саноат қорхоналарини ривожлантириш ва уларнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш борасида салмоқли натижаларга эришиляпти. Хусусан, Жарқўрган туманидаги «Сурхонтек» қўшма қорхонаси солиқ соҳасида яратилган имтиёзлардан фойдаланиб, ишлаб чиқаришни технологик жиҳатдан янгилаш, экспорт имкониятларини кенгайтиришга эришди. Қорхонага 3,173,488 евро микдоридан тўғридан-тўғри хорижий инвестиция йўналтирилган эди. Натижада жорий йилнинг ўтган беш ойи мобайнида 7,406,8 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва шундан 38 611 058 АҚШ доллари микдоридан Россия, Молдова ва Украинага экспорт қилинди.

тимой инфратузилмани ривожлантириш солигидан 82,5 млн. сўм, жами 316,4 млн. сўмлик имтиёзлар қўлланилди. Тежалган ушбу маблағ эса қорхонани техникавий қайта жиҳозлаш учун сарфланди. «Термиз Шиндонг Спиннинг» қўшма қорхонаси ҳам солиқ кодексининг 376-моддасида белгиланган имтиёзлардан унумли фойдаланиб, жорий йилнинг айни даврида бу ерда 473 тонна ёки 3556,0 млн. сўмлик калава ип ишлаб чиқарилди. Хитой, Жанубий Корея давлатларига ўз маҳсулотларини экспорт қилаётган қорхона мол-мулк солигидан 143,4 млн., республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалардан 39,4 млн. сўмлик имтиёзларга эга бўлди.

Бундай янгиланишлар юртимизда фаолият юритаётган қорхоналарнинг иқтисодий салоҳиятини ошириш, қўллаб-қувватлаш, маҳсулот яратиш, мушхул ҳамми ва сифатини ошириш даражасини бераётганлиги шак-шубҳасиз. Зеро, солиқ тизимини замона талабларига мувофиқлаштиришдан мақсад ҳам ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш орқали аҳоли турмуш фаровонлигини оширишдан иборатдир.

Ҳамжиҳатлик — тинчлик ва файз-баракат калити

ЁКИ МАҲАЛЛА ВА ИИБ ПРОФИЛАКТИКА НОЗИРЛАРИНИНГ БИРГАЛИКДАГИ САЪЙ-ҲАРАКАТИ ҚАНДАЙ САМАРА КЕЛТИРМОҚДА?

Мусурмон РЎЗИЕВ, «XXI ASR»

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамиятига ўтишда халқимиз руҳиятини юртпарварлик, меҳр-оқибат, саховат ва келажакка ишонч туйғулари билан бойитишда демократия дарсхонаси, дея аталаётган маҳалла институтининг роллари ва аҳамияти тобора ошиб бормоқда.

«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунга қўра, МФИ оқсоқоли иш фаолиятини ташкил этишда аҳоли томонидан сайланган маслаҳатчилар билан бир қаторда, жамоатчилардан иборат бир неча комиссия ҳам фаол қатнашмоқда, — дейди Ўзбекистон Республикаси ИИБ ҳузуридаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармаси фуқароларнинг жамоат уюшмалари билан ҳамкорлигини ташкил этиш бўлими бошлиғи,

милиция майори Файрат Пармонов. — Бугун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузурида ташкил этилган мазкур комиссиялар асосан оилалар, кўни-кўшиллар ўртасидаги низоларни аниқлаш ва айбдорларга нисбатан қонуний чоралар кўриш ҳамда уларни келтириб чиқарувчи сабабларни бартараф этиш билан шуғулланмоқдалар.

Масалан, 2010 йилда жойлардаги яраштириш комиссиялари томонидан жами 83622 та масала ва ҳужжатлар кўриб чиқилиб, уларнинг 65027 таси бевосита оилавий масалаларга боғлиқ экани аниқланди. Урганишлар жараёнида 40261 та ҳонадондаги нотинчликка барҳам берилиб, 23710 оилада ажратиларнинг олди олинди.

Жорий йилнинг ўтган даврида эса МФИлари қошидаги яраштириш комиссияларида жойлардаги худудий профилактика нозирлари иштирокида жами 33253 та масала ва аризалар кўриб чиқилиб, уларнинг аксарияти ижобий хал этилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси бошқаруви, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва Ички ишлар вазирлигининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги яраштириш комиссиялари

фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қўшма қарори қабул қилинган, бу борадаги ишлар кўлами янада самарали йўлга қўйилди.

— Мазкур қарорга асосан, яраштириш комиссиялари фаолиятини такомиллаштириш мақсадида хар йили «Энг фаол яраштириш комиссияси», «Намунали милиция таянч пункти» кўрик-танловлари ўтказилмоқда, — деди Ф. Пармонов. — Жорий йилнинг 5 февраль кунини «Намунали милиция таянч пункти» ўртасида ўтказилган яқиний тадбирда «Адолатли яраштириш комиссияси» номинацияси бўйича Тошкент вилоятининг Бекобод ва Андижон шаҳридаги комиссиялар гилиб, деб топилди. Айни пайтда маҳаллаларда бўлиб ўтаётган сайловларда ҳам ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олиш, жамоат тартиби ва фуқаролар ҳафсизлигини таъминлашда жойлардаги профилактика нозирларимиз фаол иштирок этмоқдалар. Бевосита маҳаллаларда фаолият юритувчи ходимларимизнинг МФИлари билан бундай ҳамкорлиги ўз самарасини бермоқда. 2010 йил мобайнида республикамиздаги 2246 та, жорий йилнинг ўтган даври давомида эса 4900 та маҳалла ва қишлоқда бирорта ҳам жиноят содир этилишига йўл қўйилмагани бунинг аққол мисолидир.

Тадбиркор бўш турган биноларни тўлдираяпти

2010 ЙИЛДА ҚАШҚАДАРЕ ВИЛОЯТИДА ЎТКАЗИЛГАН ХАТЛОВДА ЖАМИ 55982,7 ҚВ.М. МАЙДОНГА ЭГА БЎЛГАН 484 ТА БЎШ ТУРГАН ДАВЛАТ НОТУРАРЖОЙ ОБЪЕКТЛАРИ АНИҚЛАНИБ, УЛАРНИНГ 404 ТАСИ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИГА БЕРИЛДИ



Сайфулла ИКРОМОВ, «XXI ASR»

Бундай биноларнинг вилоят ижара маркази томонидан ўрта қатлам вакилларига фойдаланишга топширилиши бюджетга 826 млн. 112 минг сўмлик маблағ тушириш ва 617 нафар йигит-қизни иш билан таъминлаш имконини берди.

Ҳақиқатан ҳам Давлат мулки қўмитасининг Қашқадарё вилоят худудий бошқармаси томонидан давлат дастурларининг изчил бажарилаётгани, хусусийлаштиришдан маблағлар тушириш, инвестицияларни жалб этиш орқали қорхоналар фаолиятини самарали ташкил этиш борасидаги изчил ишлар бугун салмоқли натижалар берапти. Бунда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида бўш турган давлат нотурааржой объектиларини ижарага беришга ҳам алоҳида эътибор қаратилаяп-

тартиби жорий этилган. Масалан, Қарши шаҳридаги вилоят инжиниринг компаниясига қарашли 40 хонадонга мўлжалланган, қурилиши тугалланмаган турар-жой биносини «Вилкоопкуртаъминот» масъулияти чекланган жамияти инвестиция киритиш мажбурияти билан танлов асосида бепул олган эди. Сармоянинг ўз вақтида киритилиши ва мақсадли ишлатилиши натижасида 4 қаватли замонавий уй фойдаланишга топширилди. «Қашқадарэтранс» уюшмасига қарашли қурилиши тугалланмаган «Троллейбус депоси» биноси учун «Қарширадиатор» Ўзбекистон-Россия қўшма қорхонаси 48 млн. сўм микдоридан инвестиция киритиб, радиаторларнинг совутиш трубкасини яшаш ускунасини ўрнатди. Айни пайтда бу ерда Навоий кон-металлургия комбинатининг махсус техникалари ва хорижда ишлаб чиқарилган комбайнлар учун радиаторлар тайёрланмоқда. Шунингдек, бу ерда «Мерседес-Бенц», «Бенц-Берт» автобуслари, «Хундай» микроавтобуси, «Форд-Карго» русумли юк машинаси ҳамда «Коматцу» бульдозерлари учун ҳам радиаторлар ишлаб чиқарила бошланди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 8 июлдаги «Ишламаётган, бўш турган ва қурилиши тугалланмаган давлат мулки объектлари неғизда ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан эса вилоятдаги 2 та мулкий мажмуа салоҳиятли инвесторларга инвестиция киритиш эвазига «ноль» харид қийматида сотиш учун тендер савдоси ўтка-

зилди. Қарши-Бешкент йўлида жойлашган собиқ «ЎзИталамед» қўшма қорхонасига қарашли қурилиши тугалланмаган бино 3104,0 млн. сўмлик инвестиция киритиш мажбуриятини олган «Чилонзор парранда» қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш қорхонасига, Ғузур тумани «Оби ҳаёт» қўргонидан жойлашган собиқ «Қазарма бино-иншоотлари» эса 1000,45 млн. сўм инвестиция киритиш мажбуриятини олган «Rustam Starch» масъулияти чекланган жамиятига бепул бериш юзасидан шартнома-битими имзоланди. Жорий йилнинг ўтган даврида инвесторларга бепул берилган 7 та қорхона ва объектларга 4 млрд. 096 млн. сўм микдоридан инвестициялар киритилди. Бундан ташқари фойдаланилмаётган 80 та бино-иншоот аниқлиниб, уларнинг 17 таси ижарага берилди. 35 тасини хусусийлаштириш, 17 тасини «ноль» қийматда сотиш, 4 тасининг қурилишини яқунлаш бўйича эса аниқ тақрифлар ишлаб чиқилди. Жорий йилнинг ўтган даврида аниқланган 324 та бўш турган давлат нотурааржой объектиларидан самарали фойдаланиш мақсадида 29716 кв.м. майдонга эга бўлган 197 та бўш жой ижарага берилиб, 402 та янги иш ўрни яратилди ва улар тадбиркорлик субъектларига вақтинча фойдаланишга берилиши натижасида 469 млн. 224 минг сўмлик маблағ туширишга эришилди.

Бир сўз билан айтганда, Қашқадарёда амалга оширилган ушбу саъй-ҳаракатлар аҳоли бандлигини таъминлаш ва турмуш даражасини юксалтиришга хизмат қилапти.

«Дехқонобод»да янги ҚВП

Давлатимиз мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида Чортоқ туманидаги «Дехқонобод» маҳалласи фуқаролари қурувчилардан ажиойиб туҳфа олдилар. Худуддаги «Ўзбекистон» қишлоқ врачлик пункти хомийлар, шунингдек, туман хокимлиги томонидан ажратилган 16 миллион сўм эвазига тўлиқ реконструкция қилинган янги бинога кўчирилди. — Шу кунгача беморларни вақтинча мослаштирилган бинонинг тор хоналарида қабул қилардик, — дейди ҚВП мудири Абдуҳалил Каримов. — Айни пайтда шифокорларимиз ҳавас қилса арзиғулик шариоатда тиббий хизмат кўрсатиш имкониятига эга бўлиши. Наманган вилояти хокимлиги ахборот хизматидан хабар қилинишича, «Саломатлик-2» лойиҳаси асосида энг янги русумдаги жиҳозлар билан таъминланган янги бинода ташхис қўйиш, тахлиллар ўтказиш ҳамда муолажалар олиб бориш сифати ҳам тубдан яхшиланган.

«Қора куюн» таҳдиди

ИККИ МАФҚУРАВИЙ ТУЗУМ БАРҲАМ ТОПГАНИГА ЙИГИРМА ЙИЛ ТўЛАЁТГАН бўлса-да, дунё хавфсизлигига таҳдид солаётган хатарлар КАМАЙМАЯПТИ. БУНИ СТОКГОЛЬМДАГИ ХАЛҚАРО ТИНЧЛИК ИНСТИТУТИ ТАРҚАТГАН МАЪЛУМОТЛАР ҲАМ КўРСАТМОҚДА

Файзулло
АБДУЛБОКИЕВ

Багрикенглик, тоқатлик, ўзаро ҳурмат, тенглик ва адолат дунё давлатлари ҳамда бир қатор халқаро ташкилотлар учун асосий масалаларга айланаётганининг боиси ҳам шунда.

Бу, ўз навбатида, инсониятнинг тинчлик ва хотиржамлигининг бирламчи ҳаётий эҳтиёжи, тараққиётни таъминлашнинг зарурий шартини эканини тобора чуқурроқ англаб етаётганидан ҳам далолатдир. Бироқ айни пайтда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш учун ҳал этилиши шарт бўлган кўплаб муаммолар мавжудлиги, барқарор ҳаётни издан чиқаришга қаратилган янги шакл ва мазмундаги таҳдидларнинг пайдо бўлаётганини ҳам эътироф этиш зарур. Бугун кишиларнинг қурбон бўлаётгани, этник гуруҳлар ҳуқуқларининг поймол бўлиши, террорчилик хуружларининг тобора кенг миқёс ва қўлам касб этаётгани, ҳарбий куч-қудратни оширишга қаратилган хатти-ҳаракатларнинг муттасил давом этаётгани шундай хулоса чиқариш имконини беради. Қандай қўринишда ва қандай широрлар остида амалга оширилмасин, қуролланиш, зўравонлик, агрессия ва босқинчилик — тинчлик кушандаси. Уни бошқача аташ ҳам, изоҳлаш ҳам мумкин эмас. Тинчлик, шубҳасиз, уруш ва низоларга барҳам бериш орқали таъминланади. Давлатлар ва халқлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг умумэтироф этилган демократик қоидалар асосида ташкил этилиши тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашнинг энг тўғри ва самарали йўлидир. Аммо,

турли қарама-қаршилик ва зиддиятларни келтириб чиқариш ва шу йўл билан ўз мақсадларига эришишни кўзлайдиган кучлар борлигини ҳам ёддан чиқармаслик лозим. Бу сайёраимизнинг ҳар бир фуқаросидан доимо огоҳлик ва ҳушёрликни, ён-атрофимизда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга зийрак кўз ва теран нигоҳ билан қарашни талаб этади.

Эътироф этиш кераки, ўзаро қарама-қарши икки мафқуравий тузум барҳам топганига 20 йил тўлаётган бўлса-да, дунё хавфсизлигига таҳдид туғдирувчи хатарлар камаймаяпти. Ақсинча, тинчлик ва барқарорликка хавф солувчи янгидан-янги офатлар, халқаро террорчилик, диний экстремизм, фундаментализм, уюшган жиноятчилик, нарқобизнес, қурол-яроғ савдоси, экологик хатарлар ва ҳоказолар ер юзидаги кучлар нисбатини ўзгартиришда давом этмоқда. Бу эса ўз-ўзидан халқаро миқёсда барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашга қаратилган янги ёндашувлар заруратини туғдирмоқда. Қузатувчилар эътироф этишларича, жаҳон бўйлаб қуролланиш пойгаси қайтадан авж ола бошладики, бу яна инсониятнинг ҳарбий харажатлари йилдан-йилга ўсиб бораётгани жаҳон жамоатчилигини ҳақли равишда ташвишга солмоқда. Натижада дунёнинг қолган геосиёсий «йиғинчи»лари ҳам мудофаа харажатларини оширишга уринаяптилар. Шу ўринда дунёнинг у ёки бу чеккасидаги уруш ёки БМТ руҳсатисиз амалга оширилаётган операциялар эртанги кундан ташвишга туш-

ган, дунёда ўз эрки ва ўрнини сақлаб қолиш илнжидидаги кўплаб мамлакатларни ҳам ижтимоий харажатларни қисқартириб, маблағни мудофаа соҳасига йўналтиришга мажбур этаётганини таъкидламоқ жоиз.

Маълумотларга қараганда, 1990 йилларда дунё миқёсда ҳарбий харажатлар бир триллион АҚШ долларидан сал ошган эди. 2006 йилга келиб эса яна бир триллион долларлик маррадан ўтибди. Ниҳоятга етмаган 2011 йил кўрсаткичлари ҳам олдингиларидан асло қолишмаслиги аниқ. Чунки дунёга ҳукмронлик қилиш илнжидида юрган давлатларнинг халқаро ҳуқуқ меъёрларига зид хатти-ҳаракатлари бошқа давлатларни ўз суверенитетини ҳимоялаш учун қуролли кучлари қудратини оширишга мажбур этапти. Бошқа томондан, демократияни тарқатиш бўйича «таянч» нуқталарини ўзгартиришда давом этмоқда. Бу эса ўз-ўзидан халқаро миқёсда барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашга қаратилган янги ёндашувлар заруратини туғдирмоқда. Қузатувчилар эътироф этишларича, жаҳон бўйлаб қуролланиш пойгаси қайтадан авж ола бошладики, бу яна инсониятнинг ҳарбий харажатлари йилдан-йилга ўсиб бораётгани жаҳон жамоатчилигини ҳақли равишда ташвишга солмоқда. Натижада дунёнинг қолган геосиёсий «йиғинчи»лари ҳам мудофаа харажатларини оширишга уринаяптилар. Шу ўринда дунёнинг у ёки бу чеккасидаги уруш ёки БМТ руҳсатисиз амалга оширилаётган операциялар эртанги кундан ташвишга туш-

ялли қирғин қуролларини кўплаб ишлаб чиқариш билан ҳарбий устуликка эришиш у ёки бу давлатлар ташқи сиёсатининг муҳим йўналиши бўлиб қолмоқда. Шундай бир вазиятда эҳтиётсизликка йўл қўйиш жаҳон миқёсда ҳалокатли оқибатларга олиб келиши мумкинки, унинг натижаларини ҳисоб-китоб қилишнинг имкони йўқ, албатта.

Инсониятга 65 йилдан кўпроқ вақтдан бери хавф солиб турган атом даҳшати оқибатларини математиканинг ҳозирги ютуқлари асосида моделлаштириш шунинг кўрсатдики, бугун ер юзида тўпланган 50 мингдан ортиқ ядро зарядларининг 100-150 мегатонна (Хиросимага ташланганидан 10-15 марта катта) қувватга эга бўлган қисми портлатилса, Америка, Европа ва Осиёдаги асосий шаҳарлар ёнғин остида қолиб кетади. Бир ойдан сўнг ер устидаги атмосфера ҳарорати 15-20 даража, Сибирь маркази ва айрим минтақаларида эса ҳаво ҳарорати 40-45 даражага пасайиб, унинг айланмиши кескин ўзгаради. Бундай хавфли башоратлар ядро қуроли сиёсат, ҳатто уруш воситаси эмас, балки инсоният учун ўз-ўзини ҳалок этиш қуроли эканини англади, албатта.

Гап шундаки, бугун зўравонлик ва нафрат ҳам кишилар ўртасидаги муносабатларда чуқур илдиз отиб, маънавий муҳитни тобора заҳарламоқда. Бу жараёни тўхтатиш ва кескин камайтиришга эришиш вазифалари эса инсониятдан дунё миқёсда куч-ғайратларни бирлаштиришни тақозо этмоқда.

Бир сўз билан айтганда, қуролланиш — замона ўлати. У барча тирик мавжудотларга қирғиндан бошқа нарса келтирмайди. XXI асрнинг ақли расо инсонлари тинчлик ва фақат тинчликни истайдилар. Зеро, навбатдаги танглик бутун ер қуррасини 6 мартаба йўқ қилиб юбориши турган гап.

Албатта, кўҳна тарих уруш ва зиддиятларга шунчалар бойки, унинг аччиқ сабогидан давлатлар ўзлари учун етарли хулосалар чиқаришга қодирдилар. Шу нуқтаи назардан мамлакатимиз



Президентининг 2010 йилда БМТ юксак минбаридан туриб, миллий, минтақавий ва дунё миқёсда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, халқаро терроризм, гиёҳванд моддалар ва қурол-яроғ савдосига қарши изчил курашиш, Оролбўйи минтақасида рўй берган экологик инқироз ечимини топиш борасидаги таклиф ва та-

шаббуслари жаҳон ҳамжамияти томонидан бежиз қўллаб-қувватланмаётганига гувоҳ бўламиз. Улар орасида Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудуд, деб эълон қилиш ҳамда Афғонистондаги можаорога ечим топиш йўлида 1999 йилда «6+2» гуруҳини тузиш, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш борасида

2008 йилнинг апрель ойида Бухарестда бўлиб ўтган НАТО/СЕАП саммитида мазкур «6+2» мулоқот гуруҳини «6+3» гуруҳига айлантириш, унга Афғонистонга қўшни бўлган давлатлар билан бирга, АҚШ, Россия ҳамда НАТОнинг ваколатли вакилларининг кириши назарда тутилгани ҳамда халқаро миқёсда террорчиликка қарши

кураш марказини ташкил этиш бўйича ташаббусларини алоҳида таъкидлаш мумкин. Шу билан бирга айнан Ўзбекистон минтақасида биринчи бўлиб ўз қўшнилари коллектив хавфсизлик тизимини барпо этишга қақариб, иқтисодий ва ядровий хавфсизликнинг қатъий, ишончли курашчисига айланди.

«The New York Times» аёллар қўлига ўтади



Жаҳоннинг етакчи нашрларидан бири «The New York Times»нинг бош муҳаррири лавозимини жорий йилнинг сентябрь ойидан бошлаб Жил Абрамсон эгаллаши кутилмоқда. Қизиқарлиси, агар Абрамсон мазкур лавозимни эгалласа, газетанинг 160 йиллик тарихидаги биринчи бош муҳаррир аёл бўлади. Маълумот ўрнида шунини айтиш кераки, авваллари АҚШда хотин-қизлар бундай даражадаги нашрларнинг тахририятларида юқори лавозимларни эгаллай олмасалар-да, минтақавий нашрлар, жумладан, «Chicago Tribune» ҳамда «Associated Press» агентлигига раҳбарлик қилишган.

БССТ: уяли телефондан сақланинг!

Бугунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ташаббуси билан Франциянинг Лион шаҳрида йиғилган экспертлар уяли алоқа телефонлари саратон касаллигини келтириб чиқариши мумкин, деган хулосага келишди. Халқаро саратонни ўрганиш агентлиги вакиллари бошчилик қилган семинарда экспертларга организмда саратон пайдо бўлиши хавфи қай даражада эканини ўрганиш вазифаси юклатилган эди. Натижалар эса радиочастоталарнинг электромагнит майдонлари таъсирида инсон организмда саратон касаллиги ривожланиши мумкин эканини кўрсатди.

Пан Ги Мун кетмайди



БМТнинг Нью-Йоркдаги штаб-квартирасида журналистлар учун ўтказилган матбуот анжуманида ташкилот Бош котиби Пан Ги Мун расман иккинчи муддатга сайланишга тайёр эканини билдирган. Эслатиб ўтамиз: 2006 йилнинг 13 октябрида БМТнинг Бош ассамблеяси Хавфсизлик Кенгаши тавсиясига кўра, Жанубий Корея Республикаси фуқароси Пан Ги Мун ташкилотнинг саккизинчи бош котиби сифатида сайловларсиз 2007 йилнинг январь ойида ўтмишдоши Кофи Аннанинг ўрнини эгаллаган эди.

Наото Кан — айбсиз айбдор

Хабарларга кўра, Япония Бош вазири Наото Кан мамлакатда зилзиладан кейинги тиклаш ишлари якунланганидан сўнг ўз лавозимини тарқ этишини маълум қилди. У кунга кеча ҳукуматга ишонсизлик вотуми бўйича овоз бериш арафасида ўтказилган ҳукмрон Демократик партия депутатларининг йиғилишида шундай баёнот берган. Муҳолифат Кан ҳукуматини 11 март кун содир бўлган кўнгилсизлик оқибатлари ҳамда «Фукусима-1» атом электр станциясидаги ҳалокат асоратларини бартараф этишга жиддий киришмаганлиқда айбламоқда.



O'ZSANOATQURILISHBANK




«Стандарт энд Пурс»

Халқаро рейтинг агентлиги

2011 йил 20 май куни

«Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБнинг



узоқ ва қисқа муддатли
кредитга лаёқатлилиқ рейтингларини

«В»

даражасида

«БАРҚАРОР»

истиқболи билан қайта тасдиқлади

Вақт давомида синалган ишонч!
www.uzpsb.uz

Лондонда ўтган «Ислом Каримов» турнирида 11 та медаль қўлга киритилди

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ ЎТГАН 20 ЙИЛИ МОБАЙНИДА МАМЛАКАТ СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗНИ ТИКЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ИСЛОХОТЛАР ТУФАЙЛИ ЎЗБЕК КУРАШИ ХАЛҚИМИЗ ФУРУРИ ВА ИФТИХОРИ СИФАТИДА ХАЛҚАРО МАҚОМДАГИ СПОРТ ТУРИ ДАРАЖАСИГА ЕТДИ. АЙНИ ПАЙТДА ХАЛҚАРО КУРАШ АССОЦИАЦИЯСИ — ИКАГА АЪЗО БЎЛГАН ТАШКИЛОТЛАР СОНИ 120 ТАГА ЯҚИНЛАШИБ ҚОЛДИ

Шухрат ХУЖАЕВ, «XXI ASR»

Эгалладилар. Терма жамоамиз «хазинаси»га умидли «барчинойлар»имиздан Лайло Эшмуминова иккита кумуш (қизлар ўртасида 52 кг. дан ортиқ вазн тоифасида, шунингдек, катталар ўртасида 57 кг. дан ортиқ вазнда) медаль қўшган бўлса, Гулзираҳон Каримовага (57 кг. гача) «бронза» насиб этди.

Ўтган ҳафта Буюк Британия пойтахтидаги «Лондон Соқкер Доум О2» стадионида ана шундай нуфузли мусобақа — «Ислом Каримов» аънавий турнирининг навбатдаги баҳслари бўлиб ўтди.

Нуфузли мажмуада ташкил этилган мурасиз беллашуларда мезбонлардан ташқари Россия, Қозоғистон, Нигерия, Литва, Франция, Ўзбекистон ва бошқа мамлакатларнинг 200 нафардан ортиқ курашчилари куч синашишти. Аҳамиятлиси, мазкур мусобақада даярли барча ёш тоифасидаги спортчилар, хусусан, ўсмирлар, ёшлар, катталар ва ҳатто 50-60 ёшдаги фахрийлар ҳам гиламга чиқдилар.

Натижаларга келсак, жами 11 та (5 та олтин, 5 та кумуш ва 1 та бронза) медаль билан тақдирланган ҳамюртларимиз умумжамоа ҳисобида Буюк Британия полвонларидан сўнг иккинчи ўринни

Эркактлар йўналишида катталар ўртасида бўлиб ўтган беллашуларда омад кўпроқ енгил ва ўрта вазн тоифасига кирувчи вакилларимизга қулиб боқди. Жумладан, Шарофиддин Лутфуллаев (60 кг. гача) ва Баҳодир Фаниев (81 кг. гача) ҳамда Жаҳонгир Шомуродов (66 кг.) кумуш медаллар билан тақдирландилар.

Ёшлар ўртасида барча олтин медаллар ўзбекистонлик курашчилар, хусусан, Ниёзбек Чориев (57 кг. гача), Шаҳбоз Саидмуродов (73 кг. гача) ва Бекзод Ўролов (81 кг. гача) томонидан қўлга киритилди. Терма жамоамизнинг ушбу мусобақада иштирок этган энг ёш вакили



Жобир Чориев ҳам совинлардан бенасиб қолмади. 42 кг. гача бўлган вазн тоифасидаги ўсмирлар ўртасида иштирок этган ҳамюртимиз кумуш медалга сазовор бўлди. Умумжамоа ҳисобидаги учинчи ўринни Литва терма жамоаси вакиллари қўлга киритдилар.

Финал ўйини Каршида

7 июнь куни Осиё Футбол конфедерациясининг Куала-Лумпурдаги қароргоҳида ОФК кубогининг қоракфинал учрашувлари учун қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди. Унга қўра, «Насаф» (Қарши) жамоаси навбатдаги босқичда Таиланднинг «Чонбури» клуби билан беллашадиган бўлди. Маълумотларга кўра, Анатолий Демьяненко шогирдлари икки ўйиндан иборат баҳсининг дастлабкисини 13 сентябрь куни мөҳмонда ўтказсалар, жавоб учрашуви 27 сентябрда Қашқадарёда ташкил этилади. Ушбу қарамақаршиликда зафар қучган жамоа 1/2 финалда «Ал Вихдат» (Иордания) — «Дахук» (Ироқ) жуфтлиги ғолибига рўбарў бўлади. Бундан ташқари, ОФК расмий сайтида хабар қилинишича, ушбу уюшма мусобақанинг 29 октябрга белгиланган финал беллашувини ҳам Қарши шаҳрида ўтказишни режалаштирмоқда.

Гидрометеорология марказидан хабар қилишларича, 9-16 июнь кунлари мамлакатимизда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик қутилмайди. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик қутилмайди. Шамол шарқдан 7-12 м/с тезликда эсади. Ҳарорат кечаси 18-23, кундузи 32-37 даража иссиқ бўлади. Бухоро ва Навоий вилоятларида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик қутилмайди. Шамол шарқдан 7-12 м/с тезликда эсади. Ҳарорат кечаси 19-24, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлиши қутилмоқда. Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятларида ҳам ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик қутилмайди. Шамол шарқдан 7-12 м/с тезликда эсади. Ҳарорат кечаси 18-23, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик қутилмайди. Шамол шарқдан 7-12 м/с тезликда эсади. Ҳарорат кечаси 20-25, кундузи 37-42 даража иссиқ бўлади. Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик қутилмайди. Шамол шарқдан 5-10 м/с тезликда эсади. Ҳарорат кечаси 18-23 кундузи 32-37 даража иссиқ бўлади. Республиканинг тоғли худудларида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик қутилмайди. Шамол шарқдан 7-12 м/с тезликда эсади. Ҳарорат кечаси 10-15 даража илиқ, кундузи 22-27 даража иссиқ бўлади.



Кеча Uff.uz сайтида Ўзбекистон Футбол Федерацияси президенти Мирабдор Усмонов футбол муҳлислари учун қизиқ маълумотни ошқор қилди. — Осиё кубогиде кўрсатилган ажойиб ўйинлардан сўнг, бир қатор футболчиларимиз хоризга трансфер қилинди. Айни пайтда «Анжи»да тўп сураётган Одил Аҳмедовга Лондоннинг «Арсенал» клуби қизиқайтгани ҳақида маълумотлар бор. — деди М.Усмонов. — Шунингдек, Лондоннинг яна бир жамоаси — «Тоттенхэм» эса терма жамоамиз футболчиларидан бирига қизиқиш билдирмоқда. Айрим маълумотларда бу футболчи «Бунёдкор»нинг ярим ҳимоячиси Азизбек Ҳайдаров бўлиши мумкинлиги тилга олинмоқда.

Одил Аҳмедов «Арсенал»га, Азиз Ҳайдаров эса «Тоттенхэм»га ўтади



«Узбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази ҳамда «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилган танловда 300 дан зиёд ёш истеъдод соҳиблари ўз лойиҳа ва ишланмаларини намойиш этдилар.

«Келажак овози» изланишларга ундамоқда

ТЕРМИЗ ШАҲРИДА «КЕЛАЖАК ОВОЗИ — 2011» РЕСПУБЛИКА КЎРИК-ТАНЛОВИНИНГ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТ БОСҚИЧИ ЯҚУНЛАНДИ

«Узбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази ҳамда «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилган танловда 300 дан зиёд ёш истеъдод соҳиблари ўз лойиҳа ва ишланмаларини намойиш этдилар.

лифлари ва техник ишланмалар, тасвирий ва амалий санъат, бадий ижод ва публицистика йўналишлари бўйича қатнашишти, — дейди «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази вилоят мувофиқлаштирувчиси Азиз Шарипов. — Аънавий кўрик-танловда катнашиш истиғини билдираётган йигит-қизлар сафи йилдан-йилга кенгайиб бораётгани қувончлидир. 2005 йили вилоят саралаш босқичларида 253 нафар ёшлар қатнашган бўлсалар, бу йил

унда 4000 мингга яқин ўғил-қиз иштирок этди. Кўрик-танлов ғолибларининг муносиб рағбатлантирилаётгани ёш авлодни ўқиб-изланиш, турли рационализаторлик ишланмаларни яратиш ҳамда ўз салоҳиятини юзага чиқаришда алоҳида ўрин тутаяпти. Энг муҳими, ёшлар яратётган лойиҳалардан жойларда самарали фойдаланилмоқда.

дейди Рўзимурод Бўронов. — Бу йил ушбу танлов саралаш босқичининг адабиёт ва публицистика йўналишига ижодимдан намуналар тавсия этган эдим. Шаҳар босқичида изланишларим муносиб баҳоланганидан бахтиёрман. Кўрик-танлов ғолиблари республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

— Термиз давлат университетининг география факультетининг биринчи курсини муваффақиятли яқунлашган, —

Фасллар жанги

СТЭНДФОРД УНИВЕРСИТЕТИ ОЛИМЛАРИ ГЛОБАЛ ИСИШ ТУФАЙЛИ ЕР ШАРИДА ЎРТАЧА ЁЗГИ ҲАРОРАТ ЙИЛДАН-ЙИЛГА ОРТИБ БОРИШНИ ТАЪКИДЛАМОҚДАЛАР

Яқин 60 йилда иқлимда рўй берадиган ўзгаришлар Европа мамлакатлари, Шимолий Америка ҳамда Хитойнинг ўрта кенгликлари сезиларли даражада таъсир қилиши эҳтимолдан холи эмас. Африка, Осиё, Жанубий Америкада эса мазкур жараёнга оид ўзгаришлар яқин 20 йилликда содир бўлиши мумкин. Соҳани танқидли олимлари 50 та иқлим моделини ўрганиб чиққач ҳамда бугун сайёра метеожараёнлари архиви таҳлилидан сўнг ана шундай хулосага келишган.



сонлар соғлиғига жиддий зарар etkазади. Масалан, 2003 йилдаги жазирама сабабли Европада 40 минг киши ҳаётдан кўз юмган.

— Аср ўртасига келиб ёз фасли ҳар қачонгидан кўра ҳароратлироқ бўлади, — дея таъкидлайди тадқиқот раҳбари Ной Дифенбау.



Мутахассислар фикрига кўра, ҳаво ҳароратининг ортиб бориши ин-

Креон advertisement. Includes text: «Креон» минимикросфери, Высокая технология доставки ферментов поджелудочной железы, and product images.

Креон advertisement. Includes text: «Креон» минимикросфери, Высокая технология доставки ферментов поджелудочной железы, and anatomical diagrams of the pancreas.

ASR logo and contact information: IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA, TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

ASR contact information: TASHIR XAYYATI: Муҳаммадсўф ТЕШАБОВЕВ, Абдурашид ЖЎРАБОВЕВ, Алишер ШАЙХОВ, Бахтиёр ЯҚУБОВ, Баҳодир ҒАНИЕВ, Зайдулла УБАЙДУЛЛАЕВ, Илхом НАСРИЕВ, Муҳлис АҚРАМОВА, Равшан ОХУНОВ, Шухрат НОРИТОВ, Шухрат ОРИПОВ, Эркин ТОШЕВ, Қўям НАЗАРОВ, ТАХИРИЯТ: Отаол РАҲЖАБОВ, Марк ЮСУПОВ, Зураб АБРОРОВА, Шаҳод НАЗАРОВ, Сайдулла ИКОМОВ, Асҳор ИСТАМОВ, Темур АБДУРАҲМОНОВ, Тоҳир МИРХОДИЕВ, Насор ТОШЕВ, Шухрат ОХУНЖОНОВ, БОШИ МУХАРРИР: Миролдин АБДУРАҲИМОВ, МАТН ТЕРҒУБИ: Нигора ЖЎРАЕВА, БЎЛИМЛАР: Қосибиён — 281-40-17 (тел./факс); Партиясини тарғуви ва парламент фойдалови — 281-40-17 (тел./факс); Кўчма бизнес ва тўлиқ таъдиркорлик фойдалови бўлими — 215-60-45, Ёшлар ва айёллар мақсадлари бўлими — 254-03-79, Рекламага ва шартномалар бўлими — 215-60-45, 255-68-50, Кабулхона: 215-63-80 (тел./факс); ТАХИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй ЭЛЕКТРОН ПОЧТА: axborotXlasr@yahoo.com, XXI_ASR@yahoo.com, XXI_ASR@mail.ru «XXI ASR»дан олинган маълумотларда мнба сиратида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таъхиринг нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин. «Ўзбекистон» НМИУ босмаханасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

ASR contact information: МУАССИС: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси «XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Маилбуғ ва ахборот агентлигида 2007 йил 11 январда 009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган. Бюроғига рақами: 1 975. Тиражи: 15 908. Баҳоиси келишилган нархда. Тошхирлида: 0000. НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406. ISSN 2181-477X. 7 7 2 1 8 1 4 7 0 0 7. Навбитилар: Н.ТОШЕВ, М.РЎЗИЕВ.